

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТУРҒУНБОЕВ ЭЛЁРЖОН ҚЎЧҚОР ЎҒЛИ

**ЖИГАР ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ
ТРОМБОГЕМОРАГИК АСОРАТЛАРНИНГ ПАТОГЕНЕТИК
ЖИҲАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТУЗАТИШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.32 – Трансплантология ва сунъий аъзолар
14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Турғунбоев Элёржон Қўчқор ўғли

Жигар трансплантацияси билан боғлиқ тромбогеморрагик асоратларнинг патогенетик жиҳатлари ва уларни тузатиш йўллари..... 3

Турғунбоев Элёржон Кучкар угли

Патогенетические аспекты тромбогеморрагических осложнений при родственной трансплантации печени и пути их коррекции..... 23

Turgunboev Elyorjon Kuchkar ugli

Pathogenetic aspects of thrombohemorrhagic complications of related transplantation liver and ways to correct them..... 43

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТУРҒУНБОЕВ ЭЛЁРЖОН ҚЎЧҚОР ЎҒЛИ

**ЖИГАР ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ
ТРОМБОГЕМОМОРРАГИК АСОРАТЛАРНИНГ ПАТОГЕНЕТИК
ЖИҲАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТУЗАТИШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.32 – Трансплантология ва сунъий аъзолар
14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4157 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Бабаджанов Азам Хасанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хайбуллина Зарина Руслановна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Акбаров Миршавкат Миролимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хаджиметов Абдугафур Ахатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (192-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

У.М. Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Яқин қариндошлар ўртасидаги жигар трансплантацияси (ЯҚЖТ) декомпенсация даражасидаги жигар циррози (ЖЦ), жигарнинг фулминант етишмовчилиги ва бошқа бир қатор касалликлар билан оғриган беморларни даволашнинг ягона самарали усули ҳисобланади [Wang YC et al., 2021]¹. Хирургия техникаси, интензив ва иммуносупрессив терапиядаги ютуқлар ЯҚЖТ натижаларининг сезиларли яхшиланишига олиб келди: операциядан кейин бир йил давомида реципиентларнинг 85-90% яшовчанлиги сақланади. Бироқ, бугунги кунга қадар трансплантатни нобуд бўлиши ва жигарни ретрансплантация қилиш зарурлигига олиб келадиган асоратлар мавжуд. Бундай асоратларга артериал, веноз тромбоз ва стеноз, жигар артериясининг псевдоаневризмалари, билиар стриктуралар киради [Milan Z et al., 2022²]. Ушбу кўламда ЯҚЖТ дан кейинги энг мураккаб муаммо операциядан кейинги эрта даврда қон томир асоратларининг ривожланиши бўлиб қолмоқда, чунки улар юқори ўлим ҳавфи билан биргаликда келади ва бу ҳолат максимал эрта ташҳис қўйиш ва бартараф этишни талаб қилади. Бундай вазиятда беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ягона умид трансплантатда шошилиш равишда қон оқимини тиклаш ёки агар тромбоген асоратларни бартараф этишнинг иложи бўлмаса, шошилиш ретрансплантация, бу ҳолат, ўз навбатида, донор органларнинг етишмовчилиги ва беморнинг ўта оғир аҳволи билан сезиларли даражада чекланган. Тромбогеморрагик асоратларнинг сабаблари орасида иккита асосий омилни ажратиш кўрсатиш мумкин: техник омил, яъни жарроҳлик аралашувининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ, шунингдек, реципиент жигарининг операциядан олдинги ва донор жигари ўнг бўлагининг трансплантациядан кейинги эрта даврда функционал ҳолати омили. Ўз навбатида, техник жиҳатлар билан боғлиқ муаммолар бўлмаса, қон томир асоратлари ҳавфи бўйича энг асосий масала гемостатик тизим бузилишларининг патогенетик жиҳатлари ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда операциядан кейинги яқин ва узоқ муддатлик даврда беморларнинг яшаб қолишини яхшилаш, жигар трансплантациясидан кейинги тромбогеморрагик асоратларни башорат қилувчи ҳавф омилларини аниқлаш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, улар ўртасидаги номуносиблик натижасида юзага келадиган асоратларни аниқлаш, консерватив ва жарроҳлик даволаш усулларини такомиллаштириш ва уларни тузатиш бўйича истиқболли ва ретроспектив таҳлил билан кўп марказли тадқиқотлар долзарблигича қолмоқда.

¹ Wang YC, Yong CC, Lin CC, Alam H, Naseer F, Lin YH, Yeh CH, Wang SH, Lin TS, Lin TL, Lee WF, Chan YC, Wang CC, Chen CL. Excellent Outcome in Living Donor Liver Transplantation: Treating Patients With Acute-on-Chronic Liver Failure. *Liver Transpl.* 2021 Nov;27(11):1633-1643. doi: 10.1002/lt.26096. Epub 2021 Aug 1. PMID: 33977657.

² Milan Z, Cirkovic A, Macmillan J, Zaky M, Pereira JFHB. Hemostatic Markers as Predictors of Massive Blood Transfusion in Orthotopic Liver Transplantation. *Transplant Proc.* 2022 Apr;54(3):734-737. doi: 10.1016/j.transproceed.2022.01.024. Epub 2022 Mar 4. PMID: 35249731.

Маҳаллий жарроҳликни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари тромбогеморрагик асоратларни эрта башорат қилиш ва ушбу кўрсаткичларни ўз вақтида тузатиш туфайли ортотопик жигар трансплантациясидан кейин қон ивиш тизими омилларини мониторинг қилиш орқали беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича кўплаб чоралар кўрилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш бўйича етти устувор йўналиш бўйича вазифалар киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан жигар трансплантациясидан кейинги беморларнинг яшовчанлик сифатини яхшилаш ушбу патологиянинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти туфайли жарроҳлик ва умуман тиббиётнинг долзарб йўналишларидан биридир.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2024 йил 22 январдаги ПҚ-38-сон «Sogʻliqni saqlash sohasida islohotlarni chuqurlashtirish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тромбогеморрагик асоратларнинг сабаблари орасида иккита асосий омилни ажратиб кўрсатиш мумкин: техник омил, яъни жарроҳлик аралашувининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ, шунингдек, реципиент жигарининг операциядан олдинги ва донор жигари ўнг бўлагининг трансплантациядан кейинги эрта даврда функционал ҳолати омили. Шунини таъкидлаш керакки, қариндош донордан жигар бўлагини кўчириб ўтказиш ҳар доим бутун мурдадан олинган аъзони кўчириб ўтказишдан кўра техник жиҳатдан қийинроқ. Ўз навбатида, техник жиҳатлар билан боғлиқ муаммолар бўлмаса, қон томир асоратлари хавфи бўйича энг асосий масала гемостатик тизим бузилишларининг патогенетик жиҳатлари ҳисобланади. ЖЦ нинг терминал босқичида бўлган беморларда оғир дастлабки ҳолат, гемостаз тизимининг номуносивблиги, шунингдек донор жигари ангиоархитектоникасининг анатомик хусусиятлари, ЖТ барча босқичларининг техник хусусиятлари, шу жумладан донор жигарини back table да қайта ишлаш, ушбу асоратларнинг ривожланиш учун шароит яратади

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони. Қонунчилик ҳужжатлари тўплами.

[Bezinover D et al., 2019⁴]. Турли муаллифларнинг фикрига кўра, қон кетиш ва тромбоз ривожланиши жуда катта фарқ қилади, 0,02 дан 25% гача ва операциядан олдин гемостазиограмма параметрлари асосида тромбогеморрагик асоратлар хавфини олдиндан айтиб бўлмайди. Ушбу қийинчиликлар ҳар бир беморда гемостаз тизимининг компенсацион имкониятлари захирасининг индивидуал хусусиятларига, эндотелиал дисфункция ва эндотоксемия даражасига эга эканлиги билан изоҳланади. А. J. Borst et al.. (2018) ЖТда қон кетиш ва тромбоз мос равишда 20,7 ва 25% ҳолларда ривожланганлиги ва тромботик асоратлар сабабли жигар ретрансплантацияси 50% ҳолларда бажарилганлиги ҳақида хабар беради.

Реципиентларда эндотоксемия, оксидловчи стресс, эндотелиал дисфункция ҳисобига дастлабки бузилган метаболик фон гемостазнинг бузилишига ҳисса қўшади, хусусан, Child-Pugh бўйича "С" синфидаги ЖЦ билан оғриган беморларда тўқима омилининг 17 баравар кўпайиши кузатилиб, бу гиперкоагуляциянинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Деярли барча коагуляцион қон ивиши омиллари (II, V, VII, IX, X, XI, XII, XIII), коагуляцион ингибитор омиллар (антитромбин, гепарин II кофактори, протеин С, протеин S, тўқима омили ингибитори), фибринолитик тизимнинг таркибий қисмлари (плазминоген, алфа-2-антитрипсин, плазмин ингибиторлари) жигарда синтезланади. Шу билан бирга, урокиназа типидagi плазминоген фаоллаштирувчиси, тромбомодулин каби омиллар жигар ташқарисида синтезланади ва уларнинг даражаси декомпенсацияланган жигар циррозида пасаймайди, бу патологик фибринолиз учун зарур шартларни келтириб чиқаради. Эндотелиал гликокаликсининг емирилиши, бир томондан, коллаген ва прокоагулянт фаолликнинг таъсирига олиб келади, бошқа томондан, эндоген гепариннинг қон оқимига катта миқдорда чиқарилишига ва қоннинг антикоагулянт хусусиятларининг ошишига олиб келади ва оғир жигар циррозининг мавжудлиги эса веноз тромботик асоратларни келиб чиқишига замин яратади. Бу гемостаз тизимидаги номуносивлик, кўпинча имплантация ва реперфузия босқичларидан кейинги интраоператив гемостаз билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолларда, ҳатто мукамал бажарилган имплантация шароитида ҳам, кўчириб ўтказилган ўнг булак томондан ҳам, атрофдаги тўқималардан ҳам етарли гемостазга эришиш билан реперфузиядан сўнг дарҳол муаммолар пайдо бўлиши мумкин [Rana A. et al., 2012⁵; Cleland S. et al., 2016⁶]. Бундай вазиятларда кўчириб ўтказилган жигарнинг резекция қилинган паренхимасидан ва гепатэктомия пайтида шикастланган тўқималардан гипокоагуляцион қон кетиш кузатилади, айниқса гемостаз билан боғлиқ жиддий муаммолар трансплантатдан веноз қон

⁴ Bezinover D., Molly F. Deacutis, Priti G. Dalal, Robert P. Moore, Jonathan G. Stine, Ming Wang, Ethan Reeder, Christopher S. Hollenbeak. Perioperative thrombotic complications associated with pediatric liver transplantation: a UNOS database evaluation // HPB.- 2019, 21, 370–378.

⁵ Rana A., Petrowsky H., Hong J.C., Agopian V.G., Kaldas F.M., Farmer D., Yersiz H., Hiatt J.R., Busuttil R.W. Blood transfusion requirement during liver transplantation is an important risk factor for mortality. *J. Am. Coll. Surg.* 2013; 216 (5): 902–907. DOI: 10.1016/j.jamcollsurg.2012.12.047. PMID: 23478547.

⁶ Cleland S., Corredor C., Ye J.J., Srinivas C., McCluskey S.A. Massive haemorrhage in liver transplantation: consequences, prediction and management. *World J. Transplant.* 2016; 6 (2): 291-305. DOI: 10.5500/wjt.v6.i2.291. PMID: 27358774.

чиқишини тиклаш мақсадида сунъий томир протезларидан фойдаланиш ҳолатларида пайдо бўлади [Abuelkasem E., 2016]⁷. Гемостатик материаллардан фойдаланиш ҳар доим ҳам қутилган таъсирга олиб келмайди, ҳатто уларнинг комбинацияси билан ҳам гемостазага эришиш жараёни эса узоқ вақт талаб қилиши мумкин ва бу вақт давомида гемостаз тизимини тўлиқ коррекциялаш зарур [Massicotte L et al., 2020]⁸. Шунга қўра, энг асосий масала - бу операция вақтида ва операциядан кейинги эрта даврда ҳам гемостаз тизимининг мувозанатини назорат қилиш ҳисобланади [Roullet S et al., 2019]⁹.

Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, гепатотрансплантология соҳасидаги натижалар яхшиланганига қарамай, тузатиш чораларини оптималлаштириш билан операциядан кейинги ва эрта даврда гемостаз тизимидаги бузилишларнинг патогенетик хусусиятларини ўрганиш ҳали ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда. Шунингдек, трансплантатдан веноз қон чиқишни тиклаш учун қон томир протезларидан фойдаланганда маҳаллий гемостатик материалларини биргаликда ишлатиш орқали протезлар билан анастомозлар соҳасида гемостатик таъсирни яхшилаш масалалари ҳам муҳимлигича қолмоқда.

Диссертация тадқиқоти диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий жарроҳлик тиббиёт маркази гепатобилиар жарроҳлик бўлимининг 202011231-сонли «Ўзбекистонда жигар трансплантацияси дастурини ривожлантиришга технологик ва илмий-услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2024)» илмий-тадқиқот лойиҳаси режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: гемостаз тизимидаги бузилишлар ривожланишининг асосий илк белгиларини текшириш, тромбогеморрагик асоратларнинг олдини олиш бўйича комплекс дастурни оптималлаштириш ва жигарнинг резекцион юзасидан ва вено-протез анастомозлардан қон кетишини тўхтатиш техникасини такомиллаштириш орқали жигарнинг ўнг бўлагини кўчириб ўтказиш натижаларини яхшилашдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЯҚЖТ кейинги дастлабки даврда қон ивиш тизими параметрларининг динамикасини ўрганиш;

тирик донордан жигар бўлаги кўчириб ўтказилган реципиентларда жигар томонидан синтез қилинган про- ва антикоагулянтлар даражасини тикланиш вақтини аниқлаш;

⁷ Abuelkasem E., Lu S., Tanaka K., Planinsic R., Sakai T. Comparison between thrombelastography and thromboelastometry in hyperfibrinolysis detection during adult liver transplantation..*Br. J. Anaesth.* 2016; 116 (4): 507-512. DOI: 10.1093/bja/aew023. PMID: 26934942.

⁸ Massicotte L, Carrier FM, Denault AY, Karakiewicz P, Hevesi Z, McCormack M, Thibeault L, Nozza A, Tian Z, Dagenais M, Roy A. Development of a Predictive Model for Blood Transfusions and Bleeding During Liver Transplantation: An Observational Cohort Study. *J Cardiothorac Vasc Anesth.* 2018 Aug;32(4):1722-1730. doi: 10.1053/j.jvca.2017.10.011. Epub 2017 Oct 9. PMID: 29225154.

⁹ Roullet S, Labrousche S, Freyburger G. Fibrinolysis during liver transplantation: analysis by the Thrombodynamics method. *J Clin Pathol.* 2019 Sep;72(9):636-638. doi: 10.1136/jclinpath-2018-205560. Epub 2019 Apr 11. PMID: 30975704.

яқжт тромбогеморрагик асоратларнинг салбий натижаларини прогноз қилишда баъзи лаборатория текширувларининг диагностик аҳамиятини аниқлаш;

гепатотрансплантация пайтида жигарнинг резекция қилинган юзасида ва веноз-протез анастомозлар соҳасида маҳаллий гемостаз самарадорлигини ошириш усулини такомиллаштириш;

жигар бўлагини кўчириб ўтказишда маҳаллий гемостазни яхшилаш учун тавсия этилган усулнинг клиник самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти: декомпенсация босқичидаги жигар циррози билан оғриган 50 нафар бемор бўлиб, улар 2022 йил августдан 2023 йил октябргача бўлган даврда операция қилинган.

Тадқиқотнинг предмети: ЯҚЖТ дан кейин беморларда тромбогеморрагик асоратларнинг ривожланиш сабаблари ва хусусиятларини таҳлил қилиш, шунингдек, жигарнинг резекция қилинган юзасида ва протез веноз анастомозлар соҳасида якуний гемостазнинг такомиллаштирилган усули самарадорлигини баҳолашдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллар қўлланилган: умумий клиник, махсус (гемостаз тизими кўрсаткичлари), инструментал ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жигар бўлаги реципиентлари дастлабки ҳолатида коагуляцион омиллар (IIa), шунингдек антикоагулянтларнинг (протейн С ва S, АТ-III) мувозанатлашган пасайиши ўрни ва трансплантациясидан кейинги эрта даврда бу кўрсаткичлар динамикаси патогенетик хусусиятлари аниқланган;

жигар трансплантациясидан кейинги биринчи кун жигарнинг синтетик ва элиминация функцияси етишмовчилиги сабали критик давр деб характераланади ва биричи кун давомида гемостаз тизими параметрлари оғишининг энг намоён бўлиши қайд этилиши исботланган;

маҳаллий гемостатик воситаларни биргаликда қўллаш орқали жигарнинг резекция қилинган юзасида ва ушбу гепатотрансплантацияда протез веноз анастомозлар соҳасида якуний гемостазни таъминлаш самарадорлигини ошириш усули такомиллаштирилган;

жигарнинг резекция юзасига қўлланиладиган "Nemoben" кукунли композицияси устига қўйилган гемостатик губкани плазма шимдириш билан ишлатиш "Back table" босқичидаёқ иккала маҳаллий агентнинг таъсирини фаоллаштиришни таъминлайди, шунингдек, гемостатик ёстикча шаклланиши ва веноз-протез анастомозларнинг тикув чизифини мустаҳкамлаши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Жигар трансплантациясидан кейин тромбогеморрагик асоратларни ривожланиши учун танланган ҳавф мезонларини мониторинг қилиш антикоагулянтлар, антиагрегантлар, фибринолиз ингибиторларини юбориш режимларини ўзгартиришга ва гемостазни бошқариш концепциясига мувофиқ ўрин босувчи терапиясини ўтказишга имкон бериши аниқланган;

гемостаз тизимида компенсация ҳолати жигар трансплантациясидан кейинги ўнинчи куни коагуляцион омилларнинг паст даражаси билан ҳам содир бўлиши исботланиб, бу эса реабилитация даврини яхшилаш учун ушбу параметрларни диққат билан кузатишни талаб қилиниши аниқланган;

операциядан олдинги тромбоцитлар даражасини, шунингдек антитромбин III, фибриноген ва протеин C даражасига қараб антикоагулянтларни тайинлашга дифференциал ёндашувни ҳисобга олган ҳолда, жигар трансплантациясидан кейинги дастлабки даврда тромбогеморрагик асоратлар хавфини камайтириши исботланган;

тавсия этилган усул жигар трансплантацияси, шу жумладан веноз-протез анастомозларга эҳтиёж бўлган ҳолатларда, айниқса, жигар циррозининг декомпенсация босқичида гемостаз тизимининг функционал бузилишлари бўлган реципиентларда қўлланилиши мумкинлиги аниқланган;

жигарнинг резекция юзасида ва веноз-протез анастомозлар чизиғида гемостатик кукун ва губкани биргаликда қўллаш орқали иккала агентнинг маҳаллий гемостатик таъсири кучайиши ва шунга мос равишда операция давомида барқарор гемостазга эришиш учун кетган даврнинг қисқаришини таъминлаши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги амалий замонавий, кенг қўлланиладиган клиник ва лаборатория тадқиқотлари билан, олинган барча натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланиб, статистик ишлов бериш орқали олинган натижаларнинг ишончилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифларнинг назарий аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади, бу жигар бўлаги кўчириб ўтказилган реципиентларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларни аниқлашга катта ҳисса қўшади ва бу нафақат тромбогеморрагик асоратларни ўз вақтида ташҳислаш, балки про- ва антикоагулянтларнинг динамик мувозанатини баҳолаш, гемостаз тизимининг асосий омиллари фаоллигини тикланиш вақти ва шунга кўра антикоагулянтлар, антиагрегантлар, фибринолиз ингибиторларини юбориш режимларини оптималлаштириш ва ўрин босувчи терапиясини ўтказиш, яъни гемостазни бошқариш концепциясини амалга ошириш имконини беради.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, таклиф қилинган усул операция вақтида барқарор гемостазга эришиш учун кетган даврни сезиларли даражада камайтиради ва операциядан кейинги даврда геморрагик синдромни ривожланиш хавфини камайтиради, бажарилиши осон бўлган маҳаллий гемостатик воситалардан фойдаланиш орқали операция вақтидаги таъминот нархини сезиларли даражада пасайтиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жигар трансплантацияси билан боғлиқ тромбогеморрагик асоратларнинг патогенетик жиҳатлари ва уларни тузатиш усуллари бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий маълумотлар жорий этилди:

биринчи илмий янгилик: жигар бўлаги реципиентлари дастлабки ҳолатида коагуляцион омиллар (IIa), шунингдек антикоагулянтларнинг (протеин С ва S, AT-III) мувозанатлашган пасайиши ўрни ва трансплантациясидан кейинги эрта даврда бу кўрсаткичлар динамикаси патогенетик хусусиятлари аниқланган - академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ (2024 йил 10 майдаги №m/24-сонли), «Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази» (2024 йил 1 августдаги № 303⁴-сонли буйруғи) ва Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (2024 йил 31 июлдаги 124-сонли буйруғи) буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 5-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўтказилган тадқиқотлар асосида реципиентларнинг дастлабки ҳолатида коагуляцион омиллар ва антикоагулянтларнинг мувозанати аҳамияти ўрганилди. Иқтисодий самарадорлиги: кузатувдаги беморларда тромбо-геморрагик асоратлар операциядан кейинги эрта даврда кузатилган (43%), асосан, 30 бемордан 8 (27%) нафарида фатал бўлмаган тромбо-геморрагик асоратлар, 30 бемордан 1 (3%) нафарида жигар артерияси фатал тромбози, 1 (3%) тасида дарвоза венаси фатал тромбози, 2 (7%) тасида фатал геморрагик инсулт ва 1 (3%) фатал қон кетиш асорати кузатилган. Бу ҳолат операциядан олдинги беморнинг метаболик ҳолати, операция вақтидаги қон ивиш тизимига таъсир этувчи омиллар ва операциядан кейинги жигарнинг синтетик функциясининг етишмаслигини кўрсатади, чунки қон ивиш ва қон ивишга қарши ҳамда фибринолитик тизим омиллари турли омиллар натижасида гипо- ёки гиперкоагуляция томонга осонгина силжиши мумкин. Касалхонада 1 кунга ётиши учун минимал харажат тежалиши 365 000 сўмни, операция қилинган ва тромбо-геморрагик асоратлар кузатилган 13 нафар беморларнинг 1 кунга 4 745 000 сўм стационар даволаниш учун ташкил этди. Хулоса: Жигар трансплантациясини ўтказган беморларда дастлабки ҳолатини инobatга олиб, гемостазиограмма параметрларини ўз вақтида назорат қилиш стационарда ётиб даволанишда 1 кунга 4 745 000 сўм тежайди;

иккинчи илмий янгилик: жигар трансплантациясидан кейинги биринчи кун жигарнинг синтетик ва элиминация функцияси етишмовчилиги сабали критик давр деб характераланади ва биричи кун давомида гемостаз тизими параметрлари оғишининг энг намоён бўлиши қайд этилиши исботланган - академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ (2024 йил 10 майдаги №m/24-сонли), «Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази» (2024 йил 1 августдаги № 303⁴-сонли буйруғи) ва Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (2024 йил 31 июлдаги 124-сонли буйруғи) буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 5-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: жигар трансплантацияси ўтказгандан кейинги биричи кун давомида гемостаз тизими параметрлари оғишининг энг намоён бўлиши қайд этилиши исботланган. Иқтисодий самарадорлиги: асоратланган тромбо-геморрагик асоратлар кузатилган беморларни даволаш учун кўпроқ харажатлар талаб этилади, хусусан, реципиентларда 1 кунлик

реанимация бўлимида ётиш 1 350 000 сўм, жами 13 нафар тромбо-геморрагик асоратлар кузатилган беморларга 1 кунлик реанимация ва интенсив терапия бўлимида асорат билан ётиш 17 550 000 сўм ташкил этган. Хулоса: тромбо-геморрагик асоратларни ўз вақтида аниқлаб, уларни олдини олиш ва реанимацияда қолишни қисқартириш ҳисобига 17 550 000 сўм тежаш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: маҳаллий гемостатик воситаларни биргаликда қўллаш орқали жигарнинг резекция қилинган юзасида ва ушбу гепатотрансплантацияда веноз-протез анастомозлар соҳасида якуний гемостазни таъминлаш самарадорлигини ошириш усули такомиллаштирилган (Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги қошидаги интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога Патент IAP 7589 02.02.2024й.) - академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ (2024 йил 10 майдаги №m/24-сонли), «Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази» (2024 йил 1 августдаги № 303⁴-сонли буйруғи) ва Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (2024 йил 31 июлдаги 124-сонли буйруғи) буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 5-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: маҳаллий гемостатик воситаларни биргаликда қўллаш орқали жигарнинг резекция қилинган юзасида ва ушбу гепатотрансплантацияда веноз-протез анастомозлар соҳасида якуний гемостазни таъминлаш самарадорлиги оширилди ва бунинг натижасида яқин қариндошлар орасидаги жигар трансплантациясининг натижаларини яхшилашга олиб келди. Иқтисодий самарадорлиги: операция вақтида аутовеналар ёки сунъий қон томир протезларидан фойдалангандан сўнг жигарнинг резекция юзаси ва протез анастомозларнинг чок чизикларига маҳаллий гемостатик маҳсулотларнинг ишлатилиши орқали қон кетиш асоратлари олинди. Операциядан кейинги даврда қон кетиш асоратлари билан ётиб даволанишга 40 000 000 сўм сарфланган, маҳаллий гемостатик маҳсулотлардан фойдаланиб қон кетиш асоратларини камайтириш орқали стационарда ётиб даволанишга 20 000 000 сўм сарфланган. Хулоса: Операция вақтида ва операциядан кейинги эрта даврда қон кетиш асоратларини инobatга олиб маҳаллий гемостатик маҳсулотлардан фойдаланиш 20 000 000 сўмни тежаш имконини берди;

тўртинчи илмий янгилик: жигарнинг резекция юзасига қўлланиладиган "Немобен" кукунли композицияси устига қўйилган гемостатик губкани плазма шимдириш билан ишлатиш "Back table" босқичидаёқ иккала маҳаллий агентнинг таъсирини фаоллаштиришни таъминлайди, шунингдек, гемостатик ёстиқча шаклланиши ва веноз-протез анастомозларнинг тикув чизигини мустаҳкамлаши исботланган - академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ (2024 йил 10 майдаги №m/24-сонли), «Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази» (2024 йил 1 августдаги № 303⁴-сонли буйруғи) ва Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (2024 йил 31 июлдаги 124-сонли буйруғи) буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26

августдаги 5-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Иккита маҳаллий гемостатик компонентларнинг ва донор плзмасининг биргаликда қўлланилиши туфайли жигарнинг резекцион юзасида ва вено-протез анастомозлар соҳасида маҳаллий қон сизиб чиқиши Back table босқичидаёқ ўз самарасини беради. Иқтисодий самарадорлиги: Back table босқичидаёқ гемостазни таъминлаш туфайли операция даврида қўшимча чора-тадбирлар қўлланмаган. Жигарнинг резекцион юзасилан ва вено-протез анастомозлар соҳасидан қон кетиши асорати кузатилган беморларда гемостазга эришиш учун қўшимча чора-тадбирларга 1 500 000 сўм сарфланган. Хулоса: юқоридаги тадбиқ қилинган усул орқали Back table босқичидан гемостазга эришилиб операция вақтида қўшимча чора-тадбирларга кетадиган 19 500 000 сўмни тежаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва келтирилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матнининг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва талабга жавоб бериши, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, унинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён этилган, иш натижаларини апробация қилиш ва нашр этиш, диссертация ишининг кўлами ва тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Жигар касаллигининг терминал босқичидаги беморларда гемостаз ва моддалар алмашинуви хусусиятларининг трансплантацияда асоратларни ривожланишининг шароити сифатида"** номли биринчи бобида бешта кичик бобдан ташкил топиб, тромбогеморрагик асоратларни башорат қилиш ва жигарнинг резекция қилинган юзасида ва веноз-протез анастомозлар соҳасида маҳаллий гемостазни яхшилаш муаммосини чуқур таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш, илмий маълумотларни умумлаштириш ва тизимлаштириш каби адабиётлар таҳлили келтирилган. Бўлим охирида қўшимча ечимларни талаб қиладиган мунозарали масалалар мавжуд.

Иккинчи боб **"Материалларнинг клиник хусусиятлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари"** номлиб, клиник материалларга, шунингдек қўлланилган тадқиқот усулларига бағишланган. Диссертация

тадқиқоти ЯҚЖТ дан кейинги дастлабки даврда гемостаз тизими параметрларининг динамикасини ўрганишга, ЯҚЖТ да тромбогеморрагик асоратлардан келиб чиқадиган салбий натижалар прогнозида баъзи лаборатория текширувларининг диагностик аҳамиятини аниқлашга ва жигар резекция юзаси соҳасида ва трансплантатдан веноз қон чиқишни тиклаш учун қон томир протезларидан фойдаланилганда маҳаллий гемостатик воситалардан биргаликда фойдаланиш усулини ишлаб чиқиш орқали гемостатик таъсирни яхшилашга асосланган.

Жигар бўлагини кўчириб ўтказишдан сўнг реципиентларда гемостаз тизимининг параметрларини баҳолаш учун 31 реципиент ва 31 жигар бўлаги донорлари танлаб олинган. Қон ивиш тизимининг омилларини ўрганиш ACL-TOP (USA) стандарт тўпламлар билан автоматик коагулометрда амалга оширилган. ЯҚЖТ да тромбогеморрагик асоратларнинг салбий натижаларини прогноз қилишда баъзи лаборатория текширувларининг аҳамиятини аниқлаш учун 30 нафар реципиентда истиқболли-кузатув аналитик иш-назорат тадқиқоти ўтказилган. Барча беморлар натижаларга қараб 2 гуруҳга бўлинган (ижобий ёки салбий - операциядан кейинги эрта даврда ўлимга олиб келган тромбоз/қон кетиш). Тавсия этилган усулнинг самарадорлигини баҳолаш учун иккита гуруҳ тузилди: асосий гуруҳ - 18 нафар реципиент, улар графтни ювгандан кейин "back table" босқичида, резекция юзаси ва (агар мавжуд бўлса) веноз-протез анастомозларнинг тикув чизиги соҳасига тавсия этилган усул бўйича ишлов берилган; таққослаш гуруҳи 15 та реципиентдан иборат бўлиб, уларда гемостазга реперфузиядан сўнг жигарнинг резекция юзаси ва веноз-протез анастомозларнинг тикув чизигига анъанавий гемостатик воситалар (гемостатик губкалар, клейлар) ёрдамида эришилган.

"Жигар трансплантацияси билан боғлиқ тромбогеморрагик асоратларнинг патогенетик жиҳатлари ва уларни тузатиш усуллари" номли диссертациянинг учинчи бобида жигар бўлаги кўчириб ўтказилган реципиентларда гемостаз тизимини мониторинг қилиш орқали тромбогеморрагик асоратларни ўз вақтида ташхислаш ва про- ва антикоагулянтларнинг динамик мувозанати, асосий қон ивиш тизимининг омиллари фаолиятини тикланиш вақти кўрсатилган.

Ушбу кичик бобда вазифа операциядан кейинги эрта даврда қон ивиш тизими параметрларининг динамикасини ўрганиш ва тирик донордан жигар бўлаги кўчириб ўтказилган реципиентларда жигар томонидан синтез қилинадиган про- ва антикоагулянтлар даражасини тикланиш учун кетадиган вақт оралиғини аниқлашдан иборат. Бунда 30 та реципиент ва 30 нафар донорлар кузатиш остида бўлган.


Дастлабки ҳолатда ҳам, барча кузатув даврларида ҳам протромбин комплексининг параметрлари - протромбин вақти (ПВ), протромбин индекси (ПТИ), II омил даражасини тавсифловчи халқаро нормаллаштирилган нисбат (ХНН) донорларга нисбатан анча паст бўлган: ПВ=12,8 (95% ДИ 11,7-14,1); ХНН=1,53 (95% ДИ 1,21-2,41), шунингдек референс интервал пастки чегараси остида бўлган. 1 сутка давомида (ЖТ дан 12с ва 24с ўтиб) ХНН донорлар даражасига нисбатан 1,6-1,8 марта ($p < 0,05$) (1,1 (95% ДИ 1,01-1,21) ортган ва

ЖТ дан кейинги биринчи ҳафта давомида II омил синтезининг босқичма-босқич ўсиши 5-7 кунлик кузатувда ҳам мақсадли қийматларга қадар етмади, 10 кунлик кузатувда ХНН операциядан олдинги даражага қадар етган.

Протромбин ва фибриноген даражасининг қисман тикланиши ЖТ дан 10 кун ўтгаач гемостаз тизимидаги мувозанат учун етарли бўлган, бу эса тромбин вақти (ТВ) даражасида ва фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ) даражасида акс этган. 10-куни ТВ ва ФҚТВ референс интервал оралиғида бўлган.

Шуниси эътиборга лойиқки, ФҚТВ ҳар бир реципиентнинг индивидуал хусусиятлари, гепарин дозаси миқдори ва антиромбин III концентрациясига боғлиқ равишда кенг фарқ қилган, чунки ФҚТВ гепарин терапияси самарадорлигининг кўрсаткичидир. 5-7-суткаларда ФҚТВ 36,2 сонияни (95% ДИ: 33,7-52,6) ташкил этиб мақсадли даражага қадар етган ва 10-кунга келиб у 34,7 сонияни (95% СИ: 20,5-47,6) ташкил этган, бу референс интервал оралиғидаги қиймат саналади. Шу билан бирга, бу вақтда антиромбин-III (АТ-III), шунингдек, жигар томонидан синтез қилинадиган табиий антикоагулянтлар – протеин С ва S (К витаминига боғлиқ омиллар) етишмовчилиги кузатилган.

Реципиентларда антиромбин-III нинг миқдори операциядан кейинги даврнинг 10 суткасигача паст даражада қолган, гарчи у 5 кундан бошлаб аста-секин ўсиб борган бўлсада (1-расм).



1-расм. Реципиентларда АТ III нинг динамикаси

Соғлом донорларда референс интервал 82-128% ни ташкил қилган вақтда АТ-III даражаси 100,3% ни ташкил қилади, реципиентларда эса бу кўрсаткич операциядан олдин бу даражага нисбатан 3,2 баравар, ЖТ дан кейинги 1 сутка мобайнида донорларга нисбатан 5,3, 3,2, 4.4 баравар ($p < 0,05$) камайган. АТ-III пасайиш чўққиси операциядан кейинги 1-куни содир бўлган, шундан сўнг АТ-III ўсиш тенденцияси кузатилган ва 5-кунга келиб у олдинги даврга нисбатан 1,4 баравар ($p < 0,05$) ошган ва динамикада 10-кунга қадар ошган, бироқ ҳали ҳам донорларга нисбатан 1,7 баравар паст кўрсаткични ташкил этган.

Протеин С ва S нинг миқдори дастлабкм ҳолатда ҳам соғлом донорлар даражасига нисбатан мос равишда 1,9 ($p<0,05$) ва 1,1 ($p>0,05$) баравар камайган бўлган ва 10-суткагача қисман тикланган. Кузатувнинг 10-кунига келиб, протеин С атиги 57% гача тикланган, бу мақсад даражасидан 1,5 баравар паст ($p<0,05$) ва протеин S эса 52,9% гача тикланган, бу мақсад даражасидан 1,6 баравар пастни ($p<0,05$) ташкил этган. Шу билан бирга, протеин С ва S пасайишининг энг чўққиси ЖТ дан 12 соат ўтгач кузатилиб, протеин С 2,8 баравар, протеин S эса донор даражасига нисбатан 2,3 баравар камайган бўлади ($p<0,05$).

Кўриниб турибдики, антикоагулянтларнинг камайиши прокоагулянтларга қараганда анча аниқроқ ва умуман гемостаз тизими беқарор мувозанатда бўлиб, ташқи ва ички омиллар таъсирида осонгина гипер- ёки гипокоагуляция томонга силжиши мумкин. Бу ҳолда муҳим таъсир этувчи омил фибринолитик тизимнинг фаоллиги ва фибриноген даражасидир.

Реуипиентларда тромбоцитлар сони донорларга қараганда 3,3 баравар кам бўлган ($p<0,05$) ($228\pm 10,3\cdot 10^9/\text{л}$ га нисбатан $68,9\pm 6,2\cdot 10^9/\text{л}$), кузатиш босқичларида сезиларли даражада ўзгармаган. 10-кунга келиб тромбоцитлар сонининг кўпайиши кузатилган ва биз уларнинг ижобий динамикасини талок функциясининг тикланиши ва тромбоцитларнинг парчаланиши камайиши ҳамда операциядан кейин ЖЦ га хос бўлган портал гипертензияни бартараф этилиши билан боғлаймиз.

Тадқиқотнинг навбатдаги қисмининг вазифаси ЯҚЖТ да тромбогеморрагик асоратларнинг салбий натижаларини прогноз қилишда баъзи лаборатория текширувларининг аҳамиятини аниқлаш учун истиқболли-кузатув аналитик иш-назорат тадқиқоти ўтказилган. Барча беморлар натижаларга қараб 2 гуруҳга бўлинган (ижобий ёки салбий - операциядан кейинги эрта даврда ўлимга олиб келган тромбоз/қон кетиш). Ушбу тадқиқот учун қариндош донордан жами жигар бўлаги кўсчириб ўтказилган 30 нафар реципиент танланган.


Операциядан кейинги эрта даврда ўлимга олиб келган жигар артерияси тромбози, веноз тромбоз, интраабдоминал қон кетиш ва геморрагик инсултнинг ривожланиши салбий натижа деб ҳисобланган.

30 беморнинг 17 нафари асоратсиз ижобий натижали беморларни ташкил этган (56,7%), 13 (43,3%) таси операциядан кейинги даврда асоратлар билан, шундан 5 (16,7%) тасида операциядан кейинги даврда ўлим ҳолати кузаилган ва 8 нафар беморда асоратлар муваффақиятли бартараф этилган. Жигар артерияси тромбози (ЖАТ) энг кўп кузатилган – 7 (23,3%), дарвоза венаси тромбози (ДВТ) -1 (7,6%), қорин бўшлиғига қон кетиши – 5 (38,5%), геморрагик инсулт– 2 (15,4%) ни ташкил этган.

Ўлимга олиб келадиган тромбогеморрагик асоратларни ривожланишида тромбоцитлар сонининг динамикаси ЖТ дан кейин 2 суткагача пастга тушган, салбий натижа бўлмаган беморларда тромбоцитлар даражаси (Plt) операциядан кейинги дастлабки 3 кун ичида сезиларли даражада ўзгармаган ва 10 суткагача $147,9\pm 34,6\cdot 10^9/\text{л}$ га ўсган ва тромбогеморрагик асорат

кузатилган беморларда тромбоцитлар даражаси $33,9 \pm 12,5 \cdot 10^9/l$. гача камайган.


Антитромбин-III нинг динамикаси ижобий натижада аста-секин ўсишга тўғри келган, салбий натижали ва геморрагик асоратлар билан кечган ЖТ да АТ-III даражаси барча кузатув даврларида сезиларли даражада паст бўлган, ушбу асоратларнинг ривожланишида жигарнинг синтетик функцияси бузилганлиги ва қон ивиш тизими мувозанатининг бузилишининг ҳам ўз ҳиссаси борлигини кўрсатади. ЖТ 12 соат ўтгач, антитромбин-III даражасининг янада аниқ пасайиши ўлимга олиб келадиган тромбогеморрагик асорати бўлган беморларга хос бўлган ($35,6\% \pm 1,4$ га нисбатан $24,6\% \pm 2,2$ ижобий натижага эга беморларда, $p < 0,05$) (2-расм).



2-расм. ЖТ дан кейинги эрта даврда ижобий ва салбий натижада АТ-III нинг динамикаси

Операциядан кейинги 1-куни (24с) протеин С ва плазминоген етишмовчилиги тромботик ва геморрагик асоратлар натижасида салбий натижаларни башорат қиёлишда информацион эканлигини аниқланган. Шундай қилиб, протеин С миқдорининг 17% дан камайиши 75% сезгирлик ва 100% ўзига хослик вҳамда плазминоген фаоллигининг 21% дан камайиши 66,7% сезгирлик ва 87,5% ўзига хослик билан салбий натижалар башорат қилади, чунки бу тестлар $AUC=0,833$, $p < 0,05$ и $AUC=0,813$ $p < 0,05$ да яхши прогностик қийматга эга (3-расм).

Кузатишлар шуни кўрсатдики, тромбогеморрагик асоратлар натижасида салбий натижага эга бўлган беморларда нафақат плазминоген етишмовчилиги, балки операциядан кейинги даврда фибриноген етишмовчилиги ҳам кузатилган, операциядан кейинги биринчи кунида фибриноген даражаси 160,1 мг/дл дан камайиши 89% сезгирлик ва 96% ўзига хослик билан $AUC 0.896$ да, $p < 0.05$ барча салбий натижаларнинг башоратчиси бўдиб хизмат қилган.



3-расм. ЖТ дан кейинги салбий натижани башорат қилишда протеин С ва плазминогеннинг эгри чизиқ хусусиятлари

Операция вақтида қон йўқотиш - ўлимга олиб келадиган асоратларни ривожланиши билан боғлиқлиги кузатувларда ўз тасдиғини топган. Операция вақтида 1200 мл дан ортиқ қон йўқотиш операциядан кейинги эрта даврда салбий натижа билан қон кетиши боғлиқлиги аниқланган.

